



Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 113 (11.424)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
ТОШКЕНТ

Бу йил гўзал ва навқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Жойларда ушбу қутлуг санага бағишланган турли-туман тадбирлар, халқаро анжуманлар ўтказилмоқда. Биз шахримизнинг қутлуг юбилейи олдида пойтахтимиз туманларида ҳамма соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида материаллар бериб борамиз. Бугун эса шахримизнинг Бектемир туманидаги янгиланишлар, ҳар бир соҳадаги ислохотларнинг самараси хусусида ҳикоя қиламиз.

Кадрлар тайёрлаш
миллий дастури —
амалда

УМУМТАЪЛИМ ФАНЛАР ОЛИМПИАДАСИ ГОЛИБЛАРИ

Пойтахтимизда академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг умумтаълим фанлар бўйича республика олимпиадаси голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу беллашув Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент қурилиш ва миллий хунармандлик касб-хунар коллежидан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ф.Шоурмаров Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ўқитиш сифати ва мазмунини янги поғонага кўтариш, иқтисодийнинг барча соҳаларини рақобатбардор ва малакали кадрлар билан таъминлашнинг изчил механизми яратилганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўқувчи-ёшларга пухта билим бериш барибарлигида иқтисодий ёшларни ўз вақтида аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш имконини бермоқда. Ёшларнинг қобилияти ва интеллектуал салоҳиятини намоён этишда турли фан олимпиадалари, кўрик-танловларнинг ўрни ва аҳамияти фоят катта.

Фан олимпиадасининг якуний — республика босқичида салкам тўрт юз қирк нафар ўқувчи-ёшларга пухта билим бериш орти нафарига голиблик насиб этди. Олимпиадада Бухоро, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри ўқувчилари, айниқса, яхши кўрсаткичларга эришди.

Тадбирда умумтаълим фанлар бўйича республика олимпиадаси голибларига соҳибдорлик тақдирлари тақдим қилинди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ўзбекистон жамоатчилиги Президент Б.Обама сайлангач, АҚШ маъмурияти фаолиятида илгари сурилаётган янги ташаббусларни табиийки диққат билан кузатиб ва қайд этиб бормоқда.

Б.Обаманинг Қоҳира университетига сўзлаган нутқи ҳам бу борада мустасно бўлмади.

Президент Б.Обама нутқи — бу аввало АҚШ маъмурияти ташқи сиёсий ёндашувида реализм ва прагматизм устуворлигининг тасдиғи. Бу ишончсизликка йўғрилган ахлоқсизлик

«ЖАҲОН» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ АҚШ ПРЕЗИДЕНТИ Б.ОБАМАНИНГ ҚОҲИРА УНИВЕРСИТЕТИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИГА ДОИР ХАБАРИ

доираси ва мусулмон олами билан зиддиятларга чек қўйиш, қаерда зоғга келаётганидан қатъий назар ислом дини тўғрисидаги салбий тушунчаларга барҳам бериш, АҚШ билан мусулмон олами муносабатларининг янги даврини бошлаш сари бир давлатдир.

Бу — тинчлик, адолатпарварлик ва тараққиёт йўлида АҚШ

билан дунё мусулмонлари ўртасида ҳамкорликнинг янги йўллари излаш борасидаги интилиш ҳамдир.

Б.Обама маъмурияти ташқи сиёсий йўналишининг «демократияни тарқатиш» дея аталмиш масалага ёндашувда прагматизмга асослангани эътиборга молик.

Мазкур муаммо бўйича

эълон қилинган янги ёндашувларнинг моҳияти шундаки, «тарих ва маданият жиҳатидан таъмин фарқ касб этувчи» бошқа мамлакатларга ўз кадриятларини ҳар қандай усулда сингдириш самарасиздир.

Бинобарин, унинг ўзи демократия, қонун устуворлиги, сўз ва эътиқод эркинлигини барча учун бирдай аҳамиятли

бўлган умуминсоний кадриятлар сифатида ҳимоя қилишни давом эттириб, ўрнак олса арзиғулик намуна кўрсатмоғи муҳимдир.

Бугунги кундаги ўта долзарб муаммоларни ҳал этиш борасида бундай ҳушёр ва ҳаққоний ёндашувлар халқаро жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилиниши шубҳасиздир.

БЕКТЕМИР ТУМАНИ



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ

Мана шу барчамиз учун мўтабар ва азиз — она шахримизнинг 2200 йиллиги нишонландиган қутлуг айём арафасида кенжа, лекин барча соҳаларда ўзига хос ютуқларга эришаётган Бектемир туманида байрам тадбирлари ўзгачадир. Бир сўз билан айтганда, туманининг ҳар бир гўшасида айём шухуҳи, меҳнат кўтаринкилиги ҳукмрон.

Авалло асосий эътибор бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишларига қаратилган бўлиб, албатта унинг замирида аҳоли фаровонлиги, турмуш даражасининг ошишига эришиш кўзда тутилган. Байрам арафасида туманда биринчи — Бектемир касб-хунар коллежи қуриб битказилди, «Кўйлик» бозори ёнида 340 ўринли «Савдо мажмуаси» фойдаланишга топширилди. «Бектемир спирт» акциядорлик жамиятининг барча қўлайлиқларига эга бўлган 4 қаватли биноси қайта чирой очди. Шунингдек, 658 та яқка тартибдаги хонадонлар, 185 та кўп қаватли уйлар, 102 та корхона ва ташкилотларнинг фасадлари тазмирланиб, маҳаллалар кўригига кўрк қўшилиди. Айни пайтда эса мазкур вази-фаларнинг ижроси кизгин паллада. Обodonлаштириш юмушларида барча фаол иштирок этмоқда. Кўзланган режадагидан анча ортиқ, яъни 4050 тул турли дархат қўчалари, 112 минг дон рағ-баран гуллар ўтказилди. Бугунги кунгача 22 минг тулдан зиёд дархатларга шакл берилди, 56.200 погон метр сув хобчалари тозаланди. Пойтахтимизнинг 2200 йиллиги арафасида яқунланган «Энг ибратли маҳалла» кўрик-танловида мавҳуд 12 та маҳалла аҳоли фаол иштирок этмоқда. Тумандаги кўп қаватли уйларни бирлаштирган 43 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати ва 6 та профессионал бошқарув компаниялари ҳам байрам тарадуди, ҳам келгуси мавсум куз-қиш хозирлигини пухта олиб боришда имкониятлардан оқилона фойдаланишмоқда. Кўп қаватли турар жой бинолари ён-атрофлари орас-



таланиб, болалар майдончаларида барча қўлайликлар яратилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, туманда жорий йил биринчи чорагида иқтисодий-иқтисодий соҳаларда ислохотларни янада чуқурлаштириш, халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини мутаносиб ривожлантиришни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилди, қабул қилинган дастурларда белгиланган топшириқ ва вази-фаларнинг бажарилишига эришилди. Жумладан 2009 йилнинг биринчи чорак якуни-

да саноат ишлаб чиқариш ҳажми 29,4 миллиард сўм ва истеъмол товарлари тайёрлаш ҳажми 19,2 миллиард сўмни ташкил этди. Янги ички маҳсулот ҳажми кўрсаткичларининг ўсишида «Нерудия», «Бектемир спирт» акциядорлик жамиятлари, «Мармакс» қўшма корхонаси, «Қулов-механика заводи» шўъба корхонаси, «Кока-Кола» ичкилиги Ўзбекистон ЛТД» қўшма корхонаси масъулияти чекланган жамиятининг улушлари салмоқли бўлмоқда.

Туманда мамлакатимиз иқтисодий ривожига муҳим ўрин тутаятган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равангига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 660 тадан ортиқни ташкил этмоқда. Туман тижорат банклари томонидан уч ой давомида тадбиркорлик субъектларига 130 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Шунингдек, туманда маҳаллийлаштириш Давлат дастури асосида «RWS Optimum» шўъба корхонаси ва «Фуллонг» қўшма корхонасида режалар ортиғи билан урдаланмоқда. Инвестиция дастури ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сирасин айтганда, 2050 гектар майдонда 34 минг аҳолини жаллаган Бектемирда ёшув кекса қутлуг айёмга муносиб хисса қўшилиши дилларига хай айлаган бўлиб, 12 та маҳалла, 47 та кўча, 3 та гузар, 5 та мактаб, 12 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та шифохона, 2 та маданият уйи, 2 та маданият маркази, 150 дан зиёд саноат корхоналари билан бир қаторда дам олиш масканлари ва спорт мажмуалари, кўйингки, туманининг бутун худудига яратиб, яшатиш ва обод этиш ишлари авж паллага кирган. Яшовчилар қалбларида эса бир эзгу ният — у ҳам бўлса Ватанимиз мустақиллиги айёми ва пойтахтимиз юбилейи ёруғ юз билан кутиб олишдир.

(Бектемир туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз).

ЖАҲОНДА

● Ливанда ўтказилган парламент сайловларида амалдаги ҳукмрон партия — «14 март иттифоқи» галаба қозонди. Партия етакчиси Саад Харийри галаба муносабати билан қилган маърузасида ўз тарафдорларини табриқлаш билан бирга муҳолифатчиларни Ливан тараққиёти учун ҳамкорлик қилишга таклиф этди. Жумладан, «Хезболлоҳ» ҳаракати етакчилари ҳам сайлов натижаларидан қониқиб ҳосил қилганликларини билдиришди.

● Украина Олий Радаси Умумукраина референдуми тўғрисида қонун қабул қилди. Эндиликда ушбу қонун Республика Конституциясига ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

● Кеча жаҳондаги етакчи биржаларда ўтказилган савдоларда нефтнинг нархи бирмунча пасайди. Жумладан, Лондон биржасида бир баррел «қора олтин» нархи 67,88 доллар миқёсида қайд этилган бўлса, Нью-Йорк биржасида бу кўрсаткич 68,09 доллардан иборат бўлди.

● Франциянинг «Air France» авиакомпаниясининг касаба уюшмалари «А330» ва «А340» самолёти учувчиларини ушбу самолётларнинг тезлик тизимидаги носозликлар бартараф этилмагунга қадар уларни бошқармасликка чақирди.

● Украинанинг Донецк областидаги шахтада рўй берган нохуш ҳодиса оқибатида 4 нафар кочи ҳалок бўлди, 7 нафари беда-рак йўқолди. Ушбу кўмир қонида бўлган бошқа барча шахтёрлар қутқариб қолинди. Ҳозирда қидириш ишлари давом этмоқда.

● Мамлакатни 42 йилдан буён бошқариб келган Гана президенти Омар Бонго касалхонада ҳаётдан кўз юмди.

● Канадалик миллиардер Ги Лилибертоннинг Халқаро космик станциянинг сайёҳ сифатидаги еттинчи аъзо бўлиши расман эълон қилинди. У ушбу миссияда тиббий комиссиядан ўтиб, парвозга тайёргарлик кўришни бошлади. Маълумотларга кўра Лилибертоннинг космосга парвоз қилиши 35 миллион долларга тушади.

● Оқ уй маъмурияти мамлакат парламентида Покитон шимол-ғарбидаги қочқоқлар ёрдам кўрсатиш учун 200 миллион АҚШ доллари миқдорда маблағ ажратилишини сўраб муҳожаат қилди.

● «Катта дубулга» туркумига кирувчи теннис бўйича жаҳондаги энг тўрт нуфузли мусобақадан бири — Ролан Гаррос турнирида эркаклар ўртасида швейцариялик Роже Федерер, аёллар баҳсида эса Россия вакиласи Светлана Кузнецовалар галаба қозонишди.

ҚИСКА САТРАЛДАР

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

✓ **КЕЧА** Тошкент Давлат иқтисодий университетига талабалар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган кўрик-танлов Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида уюштирилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат кон-серваториясида санъат ихлосмандлари эътиборига жаҳон мумтоз музыкаси асосида ёш созанда-лар томонидан тайёрланган концерт дастури ҳавола этилди.


✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, курслар, тўғараклар раҳбарлари, қатнашчилари ва шифокорлар иштирокида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати «Ёшлар — гиевандликка қарши» деб номланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорликларида алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида уюштирилган семинар-тренинг ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарувида қўллашнинг аҳамиятига бағишланди.


БЕКТЕМИР ТУМАНИ



ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАЙОНИ
2200
2009
ТОШКЕНТ



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ



Ёшлар — келажакимиз

БАЙРАМЛАР ШУКУҶИ

Мустақиллик неъматларидан баҳра олиб вояга етаётган ўғил-қизларимиз баркамоллигини таъминлаш, уларнинг етук инсон бўлишларига эришиш бугунги кунда диққат-эътиборда.

Тумандаги 5 та умумтаълим мактаблари, 2 та бочка-мактаб мажмуасида 5365 нафар ўқувчи, 12 та мактабгача таълим муассасасида 1677 нафар кичкинтой билим ва тарбия олмакда. Шунингдек, 1710 нафар ўғил-қизлар 27 та турли йўналишлардаги тўғрақларга жалб этилган бўлиб, фаолият кўрсатаётган 2 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, «Нихол» спорт мажмуаси тумандаги юзлаб ўқувчи-ёшларнинг ҳар хил спорт турлари билан шуғулланиб, саломатликларини мустаҳкамлашларида муҳим аҳамиятга эга.

— Албатта, барча билим масканларимиз, тарбия муассасаларимизда Энг азиз ва энг улуг байрам ҳамда жонажон пойтахтимизнинг қутлуг тўйига таратдуд авжида, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Искандар Тожиев. — Бу бўлимининг тасарруфидоги барча масканлардаги бунёдкорлик, ободончилик ишларида, ёшларимиз онгига мустақиллик ғояларини сингдиришда, уларга ҳар томонлама муқаммал билим ҳам тарбия беришда ақини топишда. Айниқса, пойтахтимиз тарихи, бугунги ва келажакга бағишлаб ўтказилаётган тадбирларимиз ўғил-қизларимиз маънавиятини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тумандаги 289-умумтаълим мактабига борганимизда бунинг яққол гувоҳи бўлдик. Сўнгги қўнғироқ жаранлаганига бир неча кун ўтганига қарамай, жамоа педагог-ўқитувчилари, ўқувчилари кадрдон масканларида ободончилик ишларини давом эттиришмоқда. Кимдир мактаб ҳовлисидаги даракхат ва гул қўчатлари парвариши билан шуғулланаётган бўлса, яна кимлардир озодалликка масъул, жорий таъмирлаш ишлари ҳам бошлаб юборилган. Битирувчи синф ўқувчилари эса масъулияти давр — синовлардан муваффақиятли ўтишмоқда.

— Мактабимизда таълим икки — ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, 1174 нафар ўқувчи билим олмакда, — дейди директор Муқаддас Аҳмедова. — Ўқувчиларнинг 194 нафари бу йил 9-синфни битиришди. Жамоамизда 62 нафар малакали педагог-мутахассислар фаолият кўрсатиб, шулардан 2 нафари олий тоифага эга. Шу ўринда таъкидлашим лозимки, педагогларимиз дарс ўтиш жараёнида педагогик технологиянинг интерфаол усулларидан самарали фойдаланишга интилиб, методик қўлланмалар тайёрлашмоқда, болаларнинг ҳар бир фанга қизиқишини уйғотишмоқда. Шу ўринда «Шухрат» медали соҳиблари, муҳир педагогларимиз Саннат Курбонова, Муножат Бакирова, ўз фанининг ўсталари Ирода Нурданова, Илдор Габдулхакворлини алоҳида таъкидлаш лозим.

Азим Тошкентимизнинг муборак шодиёнасини муносиб кутиб олишга интилаётган ўқув маскани туман миқёсида ўтказилган «Энг обод мактаб» танловида 1-ўринни қўлга киритди. Мактаб ёнидаги каровсиз жойда яратилган «Бунёдкор ёшлар боғи» ўқувчиларнинг сеvimли маскани ҳисобланади. Чунки бу боғни улар ўз меҳнатлари билан юбилей арафасида туман кўркини ошириш мақсадида бунёд этишди.

Мактабда ўтказилаётган маданий-маърифий тадбирларда педагог ва ўқувчиларнинг фаолликлари, маҳоратлари яна бир бор намоён бўлмоқда. Пойтахтимиз байрамига атаб ўтказилган «Тошкентнинг ой қизиман», «Ўз шахримни қандай тасаввур қиламан» иншоари, «Тошкент ёшлар нгоҳида» расмлар, «Сен Тошкент тарихини биласанми?» деб номланган кўрик-танловлар, билимдонлар беллашувлари, ўқитувчилар ўртасидаги «Интеллектуал ринг» мусобақаси нафақат ўқувчиларда, балки ташриф буюрган ота-оналар ва меҳмонларда ҳам яхши таассурот қолдирди.

Шунингдек, «Тошкент кеча ва бугун» деб номланган деворий газеталар, фотоальбомларда шахримиз тарихи ва айни пайтдаги кўринишлари ақсини топган. Кўзга ташланиб турадуд яққол ифодасини топиб турибди. Мактаб радиозуелидан эса ҳар кун пойтахтимиз ҳаётига оид янгиликлар бериб борилади. Тошкентнинг тарихий жойларига бўлган саёхатлар эса ўқувчиларнинг тасаввурларини янада бойитмоқда.

Айтиш жоизки, жорий йил мактаб жамоаси Энг азиз ва энг улуг байрам — Мустақиллик айёми, пойтахтимиз тўйи ва энг мактаб биноси иш бошлаганининг 10 йиллигини тантана билан нишонлашмоқда.

Саҳифа материалларини Шарифа ИЛЁСОВА тайёрлади.
Ҳақимжон Солихов олган суратлар.

Туман иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўшаётган йирик корхоналар қаторида пойтахтимизда ягона ҳисобланган «Бектемир спирт» очик акциядорлик жамиятини алоҳида таъкидлаш лозимки, фаолиятининг ўтган қисқа даврида бу ерда салмоқли ишлар амалга оширилди.

Мамлакатимиздаги кўплаб корхона, ташкилот ҳамда муассасаларга маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланган ҳолда зарур маҳсулот — этил спирти тайёрлаб бераётган мазкур корхонада сифат ва самарадорликка эришилмоқда. Аввало шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 2,2 гектар майдонни эгаллаган корхонада ўтган икки йил мобайнида бунёдкорлик, қайта реконструкция қилиш ҳамда цехларни технологик жиҳозлаш, ишчи-ҳодимларга қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллиги нишонланадиган қутлуг йилда корхона ҳудуди ва ён-атрофларини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш юмушлари сиздиқидилдан бажарилди. Арча ва бошқа манзарали даракхатлар, турфа гул қўчатлари ўтказилиб, фаворалар бунёд этилдики, улар бугунги кунда нафақат жамоа аҳли, балки бу ерга ташриф буюрувчи-

ларнинг ҳам баҳри-дилини очмоқда.

— Жорий йилда асосий савий-харакатимизни тайёрлаётган маҳсулотимизга халқаро сифат сертификати

ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортади, электр энергияси тежамкорлиги таъминланади ва энг муҳими, тайёрланаётган маҳсулот таннархини бирмунча пасай-

ётган мазкур темирйўл орқали заводга келтирилган хом ашёни ташишда қулайлик яратилди, транспорт сарф-харажатларини бирмунча камайтиришга эришилди. Ишчи-ҳодимларга қулайликлар яратиш мақсадида маиший шохбчалар таъмирдан чиқарилди. Яна бир нарсани таъкидлаш ўринлики, қўшалок байрамлар арафасида корхонанинг алоҳида кўркамлик касб этган 4 қаватли янги биноси қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мазкур замонавий бинода ошхона, тиббиёт пункти, савдо шохбаси, кийиниш, дам олиш хоналари ҳам мавжуд бўлиб, бу меҳнат аҳли учун яратилган яхши шароитлардан далолат беради. Хом ашё, яъни дон саклаш ҳамда тайёр маҳсулот омборларининг қуриб битказилганлиги, уларнинг талабга тўла жавоб бериши ҳам амалга оширилган ибратли ишлар сирасига кирди.

Албатта, жамоа ақлининг хали режалари кўп. Қўзда тутилган барча эзгу мақсадлар замирида эса сифатли маҳсулот тайёрлаш, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига муносиб ўлуш қўшиш асосий ўринда туради. Уйлаймики, изланишлар, интилишлар самара бериши, шубҳасиз,

Иқтисодиёт

МУНОСИБ ҲИССАСИ БОР

ти олишга қаратганмиз ва бу борада бутун имкониятлардан самарали фойдаланаямиз, — дейди акциядорлик жамияти бош муҳандиси Фуркат Вафоев. — Жорий йилда 575 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни кўзда тутганмиз. Маҳсулот сифатини янада оширишни кўзлаган ҳолда Россиядан янги дастгоҳ келтириб, цехимизга ўрнатишни, шунингдек, модернизация ишларини олиб боришни режалаштирганмиз. Бунда

тириш имконияти ҳам яратилди. Шунингдек, хорижий ҳамкорлар билан ҳам алоқаларимиз мустаҳкамланиб, экспортга маҳсулот чиқаришга ҳаракатларимиз бор. Туркменистон, Қозоғистон, Қирғизистон сингари қўшни давлатларга маҳсулотларимизни экспорт қилишни кўзда тутаямиз.

Корхонада қуриб битказилиб ишга туширилган темирйўл маркази ҳақида ҳам айтиш жоизки, узунлиги 200 метрни ташкил

соз ишлашга интиляпмизки, бунинг учун қурувчиларимизга барча шароитлар яратилган. Яна бир қулайлик хусусида тўхталади-ган бўлса, хусусий фирмамиз қошида фаолият кўрсатаётган темир-бетон ҳамда арматура тайёрлаш цехлари керакли ашёларни вақтида етказиб беришмоқда. Бинони барча шарт-шароитлари билан жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширамиз.

Бу ерда турли касб соҳибларидан жамланган 150 нафардан зиёд бунёдкорлар жамоаси меҳнат қилмоқда. Айниқса, қурилиш мобайнида ғайрат кўрсатаётган ака-ука Қаландаровлар, ғишт терувчилар Бахтиёр Абдуллаев, Умарбек Курбонбоевлар номини кўрсатиш ўринлидир. Уларнинг маҳорату тажрибалари тобора чирой оцаётган коллеж биносида акс этиб турибди.

Энди замонавий бино хусусида тўхталади-ган бўлса, у марказий ва 2 та ўқув корпусидан иборат. Шунингдек, очик футбол майдони ва ёпиқ спорт зали, ўқувчилар амалиёт ўтайдиган устакхона, ошхона, фаоллар зали талаблар даражасида бўлади. Фан кабинетлари, компьютер ва лингафон хоналари ўзига хос жиҳозланади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда ўқувчи йигит-қизлар билим олиб, хунар эгаллашлари учун имкониятлар эшиги очилади.

Шаҳримизнинг қутлуг юбилейига ажойиб тўхфа бўладиган коллеж биноси тез кунларда фойдаланишга топширилиб, янги ўқув йилидан ёшларни ўз бағрига олади.

Бунёдкорлик

КОЛЛЕЖ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Туманда бунёдкорлик қизгин паллага кирган айни пайтда қурилиш-тиклаш юмушлари ниҳоясига етиб, чиройини намойиш этиш арафасида турган Бектемир касб-хунар коллежидо амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш лозим.

Мазкур ўқув маскани тумандаги илк коллежлардан бири бўлади ва унинг қурилиши учун 2 миллиард 397 миң сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган. Замонавий ва бугунги кун талабларига тўла жавоб берадиган касб-хунар коллежи 435 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу ерда йигит-қизлар билим олиб, хунар эгаллашди, ўзлари қизиққан соҳа мутахассислигини эгаллашади.

Бугунги кунда қурилиш-тиклаш ишлари сифатли амалга оширилиб, пардозлаш юмушлари тезкорлик билан давом этаётган мазкур иншоотни «Универсалсервис-қурилиш» хусусий фирмаси бунёдкорлари қуришмоқда. Шу ўринда айтиш лозимки, мазкур қурилиш фирмаси ўзининг 13 йиллик фаолияти давомида сифатга ва тезкорликка алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жамоада турли хунар эгалари — малакали му-

тахассислар жамланган бўлиб, ўз вазифаларини сиздиқидилдан удалашади. Улар томонидан ўтган йилларда бунёд этилган Ҳамза туманидаги ижтимоий йўналишдаги, Юнусободдаги компьютер технологиялари, Шайхонтоҳур туманидаги транспорт касб-хунар коллежлари бунёдкорлар маҳоратини яққол исботлаб турибди.

— Ўтказилган тендерда ғолиб бўлиб, мазкур коллеж қурилишини ўтган йилнинг ноябрида бошлаганмиз, — дейди комплекс бригадасардори Аҳмад Қаландаров. — Мана ўтган қисқа давр ичида тўпланган тажрибаларимиз кўл келиб ҳамда замонавий технологиялардан унумли фойдаланиб бинони тиклаб, пардозлаш ишларини ҳам бошлаб юбордик. Қурилишда асосан маҳаллий корхоналаримизда тайёрланаётган бугунги талабга мос қурилиш ашёларидан фойдаланаямиз. Тез ва

Саноат

РАҚОБАТБАРДОШ ЭЛЕКТР МАҲСУЛОТЛАР

Пойтахтимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ички бозоримизни таъминлашда, харидорнинг дид ва эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай товарларда ташқи бозорда ҳам талаб мавжудлиги қувонарли, албатта.

2004 йилдан буён фаолият юритаётган «Тошкенттрансэнерго» ишлаб чиқариш-савдо корхонасида ҳозирда 50 нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда. Мазкур корхона тадбиркорлари изланишлари туфайли сифатли электр ускуна ва трансформаторлар тайёрланмоқда. Рақобатбардош трансформаторларнинг ўзидан ҳозирда 50 турга яқини ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон Давлат стандартларига тўлиқ жавоб берувчи, синовлар марказларида тажрибдан муваффақиятли ўтган барча маҳсулотлар сертификатланган. «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниялари, нефть-газ-кимё тизимидаги кўплаб корхона, ташкилотлар корхонанинг асосий буюртмачилари ҳисобланади. Уларга биринчи чорада уч юз миллион сўмликдан зиёд маҳсулот етказиб берилди.

Корхона тадбиркорлари цехларни модернизация қилишга жиддий эътибор қаратишмоқда. Режага асосан Германия, Италия ҳамда Украина давлатларидан энг илғор технологик линияларни келтириб ўрнатиш, шу асосда ишлаб чиқаришни кенгайтириб, жамоа андозалари даражасидаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жамоа аҳли эзгу мақсад қилган.

Эътиборли томони, йил охиригача корхонада 150 нафар фуқарога янги иш ўринлари яратилиб, миллиард сўмликдан зиёд сифатли ва рақобатбардош товар тайёрланиши мўлжалланган.

ЯНГИ ЦЕХ ОЧИЛАДИ

Мирзо Улуғбек туманида 2005 йилдан фаолият юритаётган Сайёра Қаюмова ҳам юртимизда тадбиркорлар учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда кичкинагина цехда сифатли, харидоригр маҳсулотлар тайёрламоқда.

Ҳозирда 6 нафар ишчилари кўмагида маҳаллий хом ашёдан лицца, турли пирог, рулет, булочкалар, жами 20 турга яқин харидор дид ва эҳтиёжига кўра сифатли, хуштаъм маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

Россия давлатидан келтирилган ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг унумли, замонавий печь, дастгоҳ ва ускуналари ишчиларга кўл келмоқда. Тайёрланаётган маҳсулотлар яқин-атрофдаги савдо, овқатланиш шохбчалари, фирма, академик лицей, мактаб, хусусий мактабгача таълим муассасаларига буюртма асосида етказиб берилади.

Имкониятларини чамалаган ҳолда, тадбиркор келгусида шарқ сомсалари цехини очишни кўзда тутмоқда. Мазкур цехда 8 хил турдаги маҳсулот тайёрланади ҳамда бирийўла буюртма қабул қилиш хизмати йўлга қўйилиши режаланмоқда. Яъни, тўй-ҳашам, маросимларга сомса тайёрланади. Ушбу савий-харакатлар самараси ўлароқ янги иш ўринлари яратилиши кўзланган.

СИФАТЛИ ВА МУСТАҲКАМ

Кейинги йилларда мамлакатимиз мебель саноати сезиларли даражада ривожланиди. Натижада ички бозоримизда хорижникидан асло қолишмайдиган бежирим, кўркам, мустаҳкам мебель маҳсулотлари муносиб ўрин эгалламоқда. Улар орасида «Denta Layn» масъулияти чекланган жамияти жамоасининг ҳам ўз ўрни бор.

Мазкур жамиятнинг 7 нафар ишчи-хизматчилари буюртма асосида тиббиёт муассасалари учун мебель ҳамда жиҳозлар ишлаб чиқаришди. Корхона маҳсулотлари — шкаф, кушетка, стол, стул, тумбочка, массаж каравотлари, стуллар, каталка, буй ўлчовчи жиҳозлар ўзига хос тарзда, масалан, гилдирақлар устига ўрнатилади, барчаси айланиш, суриш, юрғазилшга мўлжаллаб тайёрланади.

Маҳсулотлар учун асосий ҳислат: уларнинг ювилиши, бактерия тўпланмаслиги ҳамда дезинфекцияланиши эътиборга олинади. Қўлланмадан материалнинг энгил, чидамли, сифатли ҳамда ортиқча ишлов берилмаслиги жамоа тадбиркорлари диққатида. Шунингдек, мижозларнинг дид ва эҳтиёжига кўра ранглар уйғунлиги ҳам таъминланади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

Ёшлар — келажакимиз

НОМЗОДЛАР
САРАЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъдодлар учун таъсис этилган «Нихол» мукофоти учун республика кўрик-танлови мамлакатимизда бир неча йилдан буён муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. Мазкур танлов низомга мувофиқ турли йўналишлар бўйича уч босқичда ташкил этилмоқда.



Яъни, ушбу танловда эстрада, мусика, мумтоз кўшиқ, рақс ва опера санъати ижрочилиги соҳасидаги маҳорати билан инсонлар қалбига етиб борадиган, ёшларни эзгуликка қорлайдиган, уларни маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қиладиган асарлар яратишда фаоллик кўрсатаётган 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлар қатнашмоқдалар.

Кўни кеча Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Нихол» мукофотига номзодларни саралаш бўйича танловнинг

шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар Маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган танловда шахримиз олий ўқув юртлири ҳамда мусика мактабларининг иқтидорли ёшлари иштирок этиб, ўз санъатлари ни маҳорат билан намойиш этдилар.

— Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган мазкур мукофот ёш истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар томонлама камол топтириш ва маданий савиясини юксалтириш, қўллаб-қувватлаш, янги-

дан-янги марраларни эгаллашларида зўр қанот бўлмоқда, — дейди танловнинг шаҳар босқичи хайъат аъзоси Ўзбекистон санъат арбоби Бахрулло Лутфуллаев. — Мазкур мукофотга номзодлар йил сайин кўпайиб бораётгани «Нихол»нинг нуфузи ошаётганидан далолатдир. Бу йил танловнинг шаҳар босқичида жами юзга яқин санъатга ихлоси банд бўлган ёшлар иштирок этмоқдалар. Номзодларнинг профессионал тайёргарлиги, бадий ижрочилик маҳорати, репертуар савияси (мусика, матн), ижтимоий фаолли-

ги, инсоний фазилатларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўйлайманки, келгусида танлов иштирокчилари орасида «Нихол» мукофотига сазовор бўладиган ёшлар кўп. Улар ўзбек санъати шухратини дунёга таъинишида ўз иқтидорлари билан муносиб ҳисса қўшадилар деган умиддаман.

Танловда ёш истеъдод соҳибларидан У.Шамсиевнинг «Ажойиб кулсиз», Ф.Комилонинг «Муқаддасан аёл», А.Зариповнинг «Тошкент» сингари кўшиқлари, М.Курбонова ижросидаги «Нозанин», Ш.Тургунова иж-

росидаги «Дутор баёти» рақслари йиғилганлар эътиборини тортди.

«Нихол» мукофотига номзодларни саралаш бўйича ўтказилган танловнинг шаҳар босқичи иштирокчиларининг ҳар бир чикишларини ҳакамлар хайъати аъзолари муносиб баҳолаб бордилар. Яқин кунларда танловнинг шаҳар босқичи ғолиблари эълон қилинади.

Дилором ИКРОМОВА
СУРАТЛАРДА: «Нихол» мукофотига номзодларни аниқлаш бўйича танловнинг шаҳар босқичидан лавҳалар.

Кўзларидан ўт чақнаб турган 8-14 ёшли болалар расм чизишга шундай иштиёқ билан киришиб кетишдики, аста ёга бошлаган ёмғир ҳам уларнинг кайфиятини туширолмади. Ранго-ранг гуллар, ямғир дарахтлар, ҳайвонот боғидаги жониворлар, байрам қилаётган ўғил ва қиз болалар, кўйингки, хилма-хил мавзуларда чизилган расмлар танлов хайъати аъзоларига топширилди.

Болалар эса, фурсатдан фойдаланиб, ҳайвонот боғини айланмишга тарқалишди.

Ҳакамлар хайъати аъзолари болалар маҳоратини баҳолаганидан сўнг танлов ғолиблари аниқланди.

Ҳамманинг қизгин қарсақлари остида «Чоштепа» маҳалласидан

Тошкент ҳайвонот боғида Юнусобод туман Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан туманда истиқомат қилувчи рассомликка иштиёқманд бўлган ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар жилоси» мавзусида танлов бўлиб ўтди.

Танловлар

МАФТУНКОР РАНГЛАР ЖИЛОСИ

келган 11 ёшли Алексей Козовов биринчи ўрин ва бош совринга сазовор бўлди. Иккинчи, учинчи ўринларни эгаллаган болалар ва умуман танловнинг барча қатнашчилари совга-саломсиз қолишмади. Шу ерда тўпланган ота-оналар

ногирон болаларга олам-олам қувонч бағишлаган ногиронлар жамиятининг Юнусобод туман бўлими раҳбарлари ва бошқа ташкилотчиларга чуқур миннатдорчилик билдиришди.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Божхона

ЛОВИЯ
ТАШМАЧИЛАРИ

Ўзимизда севиб истеъмол қилинадиган ловия хорижда ҳам харидорғир ҳисобланади. Бундан эса юртдошларимизнинг ризқини қийишдан тап тортмайдиган айрим кимсалар фойдаланиб қолишга уринишади.

Тошкент шаҳри атрофи ҳудудидаги айланма йўлларда ҳаракатланаётган «МТЗ 80» русумли трактор божхона назоратидан ўтказилганида унинг тиркачасига 2,5 тоннага яқин ловия юкланганлиги аниқланди. Фуқаро К.Аманов ушбу махсулотларни ноқонуний равишда қўшни республикага олиб кетаётган экан.

Шаҳарга чегарадош ҳудудларда «адашиб» юрган «УАЗ» ҳам божхона назоратидан ўтказилганда унга фуқаро Т. Аҳмедов томонидан тегишли ҳужжатларсиз 1 тоннадан ортиқ ловия юклангани маълум бўлди.

Қўшни давлат фуқароси Ш. Жўраев салкам 2 тонна ловияни «Хундай» автомашинасига ортиб яширинча олиб чиқишга уринганда божхоначилар томонидан тўхтатиб қолинди.

ҲУЖЖАТСИЗ
«ORIFLAME»

Табиатнинг энг гўзал хилқати бўлмиш хотин-қизлар янада чиройли ва зебо кўриниш учун турли хил косметика воситаларидан фойдаланишади. Шундай экан бу турдаги махсулотларга талаб катта. Бундан эса айрим кимсалар фойдаланиб қолишга уринишади.

Қорақалпоғистонлик И.Яганова 46 турдаги 400 донадан ошқ жами 1,5 миллион сўмлик молларни яширинча олиб кетаётган экан.

«Тошкент — Ҳазорасп» йўналишида ҳаракатланаётган «Сетра» автобуси божхона назоратидан ўтказилганда унга 3500 донага яқин 8 турдаги косметика махсулотлари юклаганилиги ва яширинча олиб кетилаётган қиймати 3,2 миллион сўмга яқин бу моллар фуқаро Ф.Атамуродовага тегишли эканлиги маълум бўлди.

Фуқаро Г.Жумаева қиймати 1 миллион 300 миң сўмдан ортиқ 57 турдаги косметика махсулотларини бошқа бир «Сетра»га юклаб, Бухорога ноқонуний олиб кетаётган экан.

Юқоридиган барча ҳолатлар божхоначилар томонидан аниқланди.

Косметика махсулотлари контрабандасида баъзи эркаклар ҳам аёллардан қолишмас экан, Божхона ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбир давомида фуқаро А.Ҳақимовнинг хонадони белгиланган тартибда кўздан кеңирилди. Натижада, бу ерда қарий 100 турдаги 6 миң донадан зиёд атирупалар яширинча сақланаётганлиги аниқланди. «Oriflame» хорижий компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бу махсулотларнинг умумий қиймати салкам 30 миллион сўмни ташкил қилар экан.

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати

СЕНИНГ
САЙЁРАНГ —
СЕНГА МУҲТОЖ

Пойтахтимиздаги Гафур Ғуллом номидаги истироҳат боғида Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ҳамкорлигида «Умумжаҳон атроф-муҳит кўни»га бағишланган байрам акцияси ўтказилди.

Акция «Сенинг сайёранг — сенга муҳтож» — иқлим ўзгаришига қарши барча кучларни бирлаштириш шiori остида ўтказилди. Асосий мақсад эса атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, глобал ҳароратнинг кўтарилишининг олдини олиш ва бу орқали она заминни асраб-авайлашга қаратилди.

«Умумжаҳон атроф-муҳит кўни» муносабати билан БМТнинг атроф-муҳит бўйича қабул қилинган Дастурида аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, кўчат экиш, боғларни ободонлаштириш, электр энергиясини тежаш, сувдан оқилона фойдаланиш, қозондан фойдаланишни камайтириш каби ишлар шулар жумласидандир.

— Бугунги байрам акциямизда мактаб-боғчаларнинг жажжи болажонлари, уларнинг ота-оналари, устозлари ташриф буюришган, — дейди Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходими Севара Содиковна. — Зеро, ёш авлоднинг онгига болалариданок атроф-муҳитни ҳимоялаш туйғусини сингдириб борсаки, хайрли ишлар ўз ижобий самарасини беради.

БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Анити Ниродининг Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги олиб бораётган савий-ҳаракатлари эътирофга сазовор эканлигини таъкидлади.

Мазкур байрам тадбирида болалар ижодий жамоалари ҳамда таниқли ўзбек эстрада хонандалари ўз дастурлари билан иштирок этишди.

Азима КИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»



Футбол

ҲАЛИ ҲАМ ИМКОНИЯТ БОР

Кўни кеча «Пахтакор» марказий стадионига йиғилган минглаб мухлислар 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида уюштирилмайдиган жаҳон чемпионатида саралаш турнири IV босқич Ўзбекистон — Япония терма жамоалари ўртасидаги гуруҳ баҳсининг гуноҳи бўлишиди.

Авалло шунга таъкидлаш жоизки, кўнчиқар юрт чарм тўп усталари жаҳон чемпионати йўлнамасини даярли қўлга киритишган, Миржалол Қосимов шогирдларига эса галаба сув билан ҳаводек зарур эди. Шу боисми, Миржалол Қосимов майдонга Нестеров, Сулонов (Жўраев), Каримов, Исмоилов, Тўта-хўжаев, Жепаров, Аҳмедов, Ф.Тожиёв (Солиев), Хасанов, Копадзе, Гейнрих (Эркинов)лардан иборат мамлакатимизнинг асосан умидли, ёш футболчиларини тўширди. Қўнчилик мутахассислари мухлислар кутганидек, урашув ҳужумкор рўҳда кечди. Чарм тўп усталаримиз меҳмонлар дарвозаси олдида кўп марта чиройли комбинациялар ва хавфли вазиятларни содир этишди. Очғичи, шу кўни омад ҳамюртларимиздан юз ўғирди. Чўни ақойиб ҳужумларни самарали яқунлаш футболчиларимиздан ҳеч кимга насиб этмади. Дарвоқе, шу кўни ҳужумчи Гейнрих ўзининг қўнчилик уйинлари билан меҳмонлар ҳимоячиларини кўп марта шо-

шириб қўйди. Бирок, маҳорат босида устунлик қилган япон футболчилари ҳимояда беҳато ҳаракат қилишди. Аксинча, 11-дақиқада ҳимоячиларимизнинг биргина хатоси тўғрисида тақрибдали футболчи Оказаки томонидан Нестеров дарвозасига киритилган гол ўйин охирига қадар ягоналигича қолди. Ва учрашув 1:0 ҳисобида меҳмонлар галабаси билан яқунланди.

Аммо, шунга таъкидлаш жоизки, ҳамюртларимиз шу кўни ўз мухлисларига ақойиб ўйин намойиш этишди. Қизғин, ҳамон Миржалол Қосимов шогирдларининг гуруҳда учинчи ўринни эгаллашлари учун имконият сақланиб турибди. Бунинг учун Ўзбекистон терма жамоаси сафарда баҳралилик чарм тўп усталарини мағлубиятга уратилиши лозим. Биз кўп миң сонли мухлислар номидан терма жамоамиз аъзоларига баҳралиликлар билан уюштирилмайдиган сўнги гуруҳ баҳсида факат галаба ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз муҳбиримиз)



Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3676 нусхада босилди.
Қўғоз бېғими А-2

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

МАХТУМҚУЛИ

Чўлда очлик машаққатин кўрмаган,
Уйда қотган ноннинг қадрин
ҳеч билмас.

Ўтгандан сўнг одам

англар давлатин,
Билмас давлат билан
кечган навбатин,
Ким тортмаса беморликнинг
заҳматин,
Бу сафар соғлиқнинг қадрин
ҳеч билмас.

Ватандан айрилиб, ёлғиз тушмаган,
Ўлкасида эл қадрини ҳеч билмас.

Махтумқули айтар ёру ҳамдамга,
Келинг, шукр этайлик,

дўстлар, бу дамга,
Аслида сўз фаҳмин билмас одамга
Минг маъно сўз десанг,
қадрин ҳеч билмас.

Ёмонга ҳеч юқмас сўзинг-ўғитинг.

Ориф бўлсанг, аслин
сўрма йигитнинг,
Адабида, арқонинда билинар.

Давлат бўлса мард
йигитнинг бошида,
Ҳимоятли эли бўлсин қошида,
Йигит ўзин маълум этар ишида,
Қиличида, забонида билинар.

Махтумқули, оху войдир,
Ажал ўқдир, фалак ёйдир,
Дунё бир кўҳна саройдир,
Одамзоднинг қошидадир.

Одам яратилмиш баландли-пастли,
Ақлли, фикрли, онгли ва эсли,
Йигитлик умрда худди ёз фасли,
Баҳор сендан кетар,
замон тўхтамас.

Келганга қарши чик,
бўлса мажолнинг,
Яхши тутавергин нияту феълинг,
Дунё давронидан очик тут қўлинг,
Давр сендан кетар, даврон тўхтамас.

Йигитликнинг зўри кетди белимдан,
Дард ёмони қарилқидир, ёронлар!
Олжи йўқ унинг бошқа ўлимдан,
Дард ёмони қарилқидир, ёронлар!

Хасталар кутулар, қари кутулмас,
Бу дардга ҳеч кимдан

чора қутилмас

Кўнгил куши учар-кетар, тутулмас,
Дард ёмони қарилқидир, ёронлар!

Одам бўлиб, одам қадрин билмаган
Кишилардан ўтлаб юрган мол яхши,
Сўзлаганда сўз маънисин билмаган
Инсонлардан сўзлаёлмас лол яхши.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича
турар жойлардаги почта бўлимига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефони
муурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонаси. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
156